

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 6 декабрь, жума

№97 (11.485)

Эркин нарҳда сотилади

ҲАЁТИМИЗНИНГ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, муҳтарам дўстлар! Қадри юртдошлар! Аввало, ўз номимдан барчангизни, сизлар орқали бутун халқимизни кутлуг айём — ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш Конституция-мизнинг 10 йиллиги билан чин қалбидан му- боракбод этишга руҳсат бергайсиз.

Конституцияимизнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият қуришдаги аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп га- пириш, кўп фикр юриштиш мумкин.

Бугун Конституциявий суд раиси Бўритош Мустафоев қилган маърузада ҳам эзгу максад- ларимизга эришиш йўлида Конституцияимизнинг улкан ҳиссаси ҳақида мазмунли фикр ва муло- ҳазалар айтилди.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, ҳур- матли мажлис иштирокчилари эътиборини кўпроқ бошқа масалага — Конституциявий асо- сида қабул қилинаётган қонунларни ҳаётга тат- биқ этиш ва шу муҳим масала атрофида тўлла- ниб турган муаммоларга жалб қилмоқчиман.

Шуни очик тан олишимиз керак, қонун ус- туворлигини ҳаётимизнинг барча жабҳаларида таъминлаш, эскича фикрлаш, умуман, қотиб қолган қарашлардан тезроқ воз кечиш, ва аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олдинги ўринга қўйиш ва шу асосда йўл ту- тиш, бу жараёнларни тубдан тезлаштириш бугунги кунда биз учун энг долзарб масала- лар бўлиб қолмоқда.

Содда қилиб айтганда, биз қандай ҳар то- монлама чуқур ва пухта ишланган, юксак ан- дозаларга асосланган қонунларни қабул қил- майлик, агарки, уларнинг норма ва талаблари амалда ҳаётимизда ўз кучини кўрсатмаса — шу йўналишда қилаётган барча ишларимизнинг са- мараси бўлмайди. Ва, бундай ҳолатлар фука- роларимизнинг табиий ва ўринли эътирозла- рига сабаб бўлмоқда.

Бу ўзи нима дегани, нима учун қонуний нор- маларда кўрсатилган талаблар бошқа-ю, ҳаётимизда кўпгина ҳолатлар ва мисоллар бошқа- ча, деган фикрларга жавоб топиш осон эмас, албатта.

Шундай вазиятларда қонун қонун билан, ҳаётда эса кўпинча мансабда ўтирганларнинг айтгани бўлар экан, уларнинг сўзи, уларнинг ҳақиқати ҳақиқат бўлпти, деган кайфиятлар ҳам учрайди.

Шундай ҳолатлар ва савдолар бошига туш- ганда, одамларимиз беихтиёр "Уйнашмагин ар-

боб билан, арбоб урар ҳар боб билан" де- ган мақолни изтироб чекиб эслаши ҳам ўрин- ли, деб ўйлайман.

Бу ҳам ҳаётимизнинг аччиқ ҳақиқати. Биз қонунчиликка асосланган ҳуқуқий дав-

томирига етиб бориш ва уларнинг ечимини топишимиз зарур.

Бу барчамизнинг, аввало, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи идора ва ташкилотлар мута- садди раҳбарларининг бурчидир.

Бу каби вазият ва ҳолатлар нафақат бизда — мустақил тараққиёт йўлига ўтган ва Консти- туцияси энди ўн ёшга кирган мамлакатимизда эмас, балки энг ривож- ланган давлатларда ҳам учраб туриши мумкин.

Лекин, ҳеч шубҳасиз, хусусан биз учун бу ма- сала бугунги кунда буюк истиқболларимизни кўриш, халқимизнинг кел- ажакка ишончини қозо- ниш ва мустақамлаш учун энг долзарб ва ҳал қилувчи масалаларнинг бирига айланмоқда.

Нега деганда, замона- вий талабларга жавоб бе- радиган, эл-юртимизнинг асл ва чуқур манфаатла- рини инобатга олган қонунларни қабул қилиш — ўз йўли билан.

Айни пайтда бу қонун- ларнинг ҳаётимизда жо- рий бўлганини, ўз акси- ни топганини кўриш — бу одамларимизга мутлақо бошқача мамнуният ба- гишлайдиган ва уларни рози қиладиган вазият эканини барчамиз яхши тушунаемиз.

Энди бу муаммолар- нинг ечимига келадиган бўлсак, аввало нима- ларга алоҳида эътиборимиз- ни жалб қилишимиз зар- рур?

Бўлгани масалалар ва йўналишлар каторида, уларнинг энг муҳимлари ҳақида қисқача тўхта- либ ўтсак:

Биринчидан, Конституциямиз ҳаётимизда

ўз аксини тўлиқ топиши учун ҳали замон та- лаб қиладиган кўпгина янги қонунларни қабул қилишимиз шарт.

Биз қонунларнинг матни, маъно-мазмунини ҳақида кўп бош қотирамиз, аммо уларда бел- гилаб қўйилган талабларни амалга ошириш учун қонунчиликда муҳим аҳамиятга эга бўлган, шу қонунни жорий қилиш учун керак бўлади- ган актларни қабул қилишни, бу масала бўйи- ча жавобгарликни жойига қўйишни кўпинча унутиб қўямиз.

Шу сабабли ҳам қонунларимизнинг неччи фоизи ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда, қанчасини татбиқ этиш оғир кечмоқда, деган саволга жавоб бериш кийин.

Иккинчидан, жамиятимиз ҳаётида қонун ус- туворлигига эришиш учун ҳокимиятнинг уч тар- моғи — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъ- минлаш зарур.

Шундагина ҳокимият тармоқлари орасида том маънодаги мувозанат қарор топади, содда қилиб айтганда, адолат тарозиси бузилмайд.

Аввало, суд ҳокимияти, суд органлари мус- тақил бўлиб ҳаммага ҳам бир кўз билан қара- ши — бу оддий фуқароми ёки мансабдор ва амалдорми — ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун устуворлигининг таъминланишига эришимиз зарур.

Учинчидан, ижро ҳокимияти ва идорала- рининг, яъни бу ҳокимият ёки вазирлик бўла- дими — умуман, мансаб курсида ўтирган- ларнинг ўзига юкланган вазифани адо этишда маъсулияти ва жавобгарлигини янада ошириш лозим.

Бу талаб аввало маъмурий идоралар, қонун- ни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилот- ларга тегишлидир.

Тўртинчидан, нодавлат ва ижтимоий, ўзи- ни ўзи бошқариш ташкилотларининг ва фука- роллик институтларининг роли, ўрни ва моҳи- ятини, уларнинг давлат қорхоналари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур.

Биз бу йўналишда бугунги кунда фақатгина биринчи қадамларимизни қўймоқдамиз.

Бешинчидан, жамоатчиликнинг, аҳолими- знинг сиёсий ва ижтимоий савияси ҳамда фа- оллигини ошириш даркор.

Мен бу масалани биринчи даражали маса- лага айлантириш керак, деб ўйлайман. Ҳар қайси инсон ўз ҳақ-ҳуқуқи учун кура- шини лозим. Ҳар қандай одам учун имон- эътиқод деган сўзлар шунчаки, ҳавойи сўзлар эмас, аксинча, уни доимо қийнайдиган, виж- донини уйғотадиган чуқур тушунчалар бўлса, бундай фуқаро атрофдаги одамлар, маҳалла- кўй, эл-юрт ташвиши билан яшайи шарт.

Барчамиз лоқайдлик ва бепарволикдан, сен менга тегма — мен сенга тегмайман, деган заифлик асоратидан бутунлай жудо бўлиши- миз зарур.

Жамиятимизда шундай инсонлар қанча кўпайса, аввало, ҳаётга кириб келаятган ёш- ларимизда бундай кайфият нақадар кучайса, бун- дай қарашлар уларни ҳаёт тарзининг узвий қисмига айланган ҳолда биз олдимизга қўйган максадларга тезроқ етиб борамиз.

Бу масаланинг яна бир муҳим томони — бун- дай фикрловчи ва ҳаёт кеңирувчи одамлари- миз, ёшларимиз жамиятимизда ўз ўрнини тез- рок топса, ҳеч шубҳасиз, ҳокимият амалдор- лари орасида Конституция ва қонунларимизни

(Давоми 2-бетда).



лат қуришга интилаётган эканмиз, бундай ҳолатлардан ўз ўғирмасдан, қочмасдан, ак- синча, бунга олиб келувчи сабабларнинг таг-

ларнинг энг муҳимлари ҳақида қисқача тўхта- либ ўтсак:

Биринчидан, Конституциямиз ҳаётимизда

Конституцияимизнинг 10 йиллигига бағишланди

Бундан ўн йил муқаддам қабул қилинган ва халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида тўла акс эттирган Бош Қо- нуниимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим сиёсий, ҳуқуқий ҳужжат сифатида жаҳонда янги, суверен, истиқболли порлоқ давлат дунёга кел- ганининг ўзига хос шаҳодатномаси бўлди.

Фаровон турмушимиз ривожла- да, Ватанимиз ва халқимиз тақ- дирини Конституцияимизнинг аҳамияти тобора ортди бормоқ- да. Конституцияимизни нафақат таърифлашда, айни ҳолда қондаларини модда-модда

латли фуқаролик жамияти, эр- кин ва фаровон ҳаёт қуришидек орзу-хаваси ўзининг тўла ифо- дасини топган. Шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётнинг шакл- шайоили, маънавий кифаси шовён акс эттирилган. Унда та- раққиётимиз гарови бўлмиш тинчлик, оқсоқиллик, тотув ҳаётнинг асослари белгилаб бе-рилган. Фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва бурчлари бир-бирига уй- гунаштирилган. Энг муҳими, инсон ҳуқуқи, инсон эркинлиги мустақкам муҳрлаб қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Фармонларига мувофиқ Истиқлолимиз- нинг 11 йиллик улкан тўғри арасида турли жабҳалардаги фидокорона меҳнати, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, ишлаб чиқариш ва маъна- вийликни юксалтириш борисида эришган муваффақиятлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

5 декабрь кун — эркимиз ва истиқлолимиз тўғрисида бўлмиш Конституциямиз қабул қилин- ган кун байрами арасида Оксарой қароргоҳи- да бир гуруҳ ватандошларимизга ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Прези- денти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Сизлар билан бугунги учрашувимиз ўзига хос,

ажойиб, хосиятли бир кунда ўтмоқда, деди давлат- ни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилот- ларга тегишлидир. Учинчидан, ижро ҳокимияти ва идорала- рининг, яъни бу ҳокимият ёки вазирлик бўла- дими — умуман, мансаб курсида ўтирган- ларнинг ўзига юкланган вазифани адо этишда маъсулияти ва жавобгарлигини янада ошириш лозим.

(Давоми 2-бетда).

Қарияларни қадрлаш йили

ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАЙЗУ БАРАКАСИ

Мустақилликнинг ҳар бир йили йирик, тарихий воқеаларга бой бўлмоқда. Янгича фикрлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга янгича муно- сабат тобора чуқур қарор топиб боргани сари кўз ўнгимизда бекиёс яратувчилик суръати куч- аймоқда.

Ўз навбатида барча омиллар инсон ва унинг ижтимоий эҳти- жларини қондиришга йўналиш- тирляпти. Шу тарихи Конститу- цияимизнинг энг муҳим қондал- ларидан бири — қариялар, но- гиронлар, кўп болали аёллар- нинг давлат ва жамият томо-

ноҳат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан мақрум бўлганда, шунингдек, қонунда кўзда тутил- ган бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқидан кенг фойдаланмоқда. Бу жиҳатдан Қомусимизнинг 66-моддаси ҳам алоҳида диққатга сазовор. «Воя- га етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гавҳарлик қилишига маж- бурдирлар», — дейилади унда. Бундай ҳуқуқий асос битиб қўйил- ган бошқа бирор мамлакат кон- ституциясини эслаш олмаيمان.

Президентимиз ташаббуслари

билан ажунланаётган йилда қарияларни қадрлаш, уларга иззат-ҳурмат кўрсатиш йўлида ниҳоятда кенг қўламли ишлар бажарилади. Асосий эътибор ке- кса авлоднинг ижтимоий таъми- нотини яхшилашга қаратилмоқ- да. Шунинг билан кифояси, ви- лоятимизда 271 миң 300 дан зиёд пенсионерга ой сайин 3,3 миллиард сўм маблаг тўлаб ту- рилибди. 2000-2005 йилларда давлат дастури қабул қилинди. Эндилда у босқичма босқич амалга ошириляптики, бунга

(Давоми 3-бетда).

ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ БИЛИМ ОЛИШИ КАФОЛАТЛАНГАН

Мамлакатимиз Бош Қомуси — Конституция- мизни қайта-қайта ўқиб, ўрганганимиз сари, қалбимизни ифтихор туйғуси қамраб олаверадим. Шу юрт фуқаросиман, Конституция менга талъин олиб, эркин меҳнат қилиш ҳуқуқини берган, у фаровон ҳаётимни таъминловчи мустақкам пой- девордир, деган ўй руҳимизга енгиллик, кўта- рянкилик бахш этади.

Биргина талъин соҳасини олайлик, жондан азиз Ўзбекис- тонимиз мустақилликка эриш- ган, миллий кадрлар тайёрлаш давлат дастури қабул қилинди. Эндилда у босқичма босқич амалга ошириляптики, бунга

нинг ўзида урта шундай билим даргоҳи бунёд этилиб, ёшлар ик- тирига берилди. Айни пайтда муҳташам, замонавий илм мас- канларида 48450 нафардан ор- тик ёш талъин олиб, касб-хўнар ўрганмоқда. Уларнинг 21460 на- фардан зиёди қизлардир. Маълумки, ёш авлод чуқур билим олиши, ўз касбининг ус- тозлари ҳам етук мутахассис бўлмоғи даркор. Хозирги вақтда вилоятдаги касб-хўнар коллежла- ри ва лицейларда 3652 нафар ўқитувчи ёшларга талъин бер- моқда. Устозларнинг бири фан доктори, 96 нафари фан номзо- ди, 428 нафари олий тоифали педагоглардир.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Ўзбеки- стон Республикаси Қонунига муво- фиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Лицензия- лашни бекор қилиш ҳамда истеъ- мол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорига сотишни такомиллашти- риш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек истеъмолчиларни истеъмол товарлари тўғрисидаги ишончли ахборот билан давлат тилида таъ- минлаш мақсадида Вазирлар Маҳ- камаси қарор қилади:

1. Белгилансинки: 2003 йил 1 январдан бошлаб Ўзбеки- стон Республикаси ҳудудига эркин муома- лага чиқариладиган импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турларини мажбурий марказлаш жорий этилади; мажбурий марказлашни керак бўлган ва 2002 йил охиригача Ўзбекистон Респуб- ликаси ҳудудига эркин муомага чиқар- илган истеъмол товарлари қанча савдо шохобчаларида 2003 йил 1 апрелгача давлат тилида марказланмасдан сотилиши мумкин.
2. Куйидагилар: Импорт қилинадиган истеъмол товарла- рини марказлаш тартиби тўғрисидаги ни- зом; тижорат мақсадларида Ўзбекистон Рес- публикасига импорт қилишда мувофиқлик сертификатлари мажбурий тақдим этили- ши талаб этиладиган истеъмол товарларин- гини қўшимча рўйхати тасдиқлансин.
3. "Устандарт" агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чи- қариш ва рақобатни ривожлантириш дав- лат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мазкур қарордан келиб чиқувчи талаблар- га риоя этилиши устидан қатъий назорат- ни таъминласинлар.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат бож- хона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, "Устандарт" агентлиги Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идора- лар билан биргаликда ўн кун муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга му- вофиқлаштирсинлар.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорига сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 47-мод- да) ўзгартиришлар киритилсин.
6. Мазкур қарорнинг бажарилишини на- зорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири У.Султонов зиммасига юклан- син.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 2002 йил 5 декабрь.

ҲАЁТИЙЛИГИМИЗНИНГ, ТАРАҚҚИЙТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

писанд қилмайдиган, ўз манфаатини, ўз бойлигини давлат ва эл-юрт манфаатидан юқори қўётган ҳаласавод кимсаларга шунча ўрин қолмайди.

Ўз-ўзидан аёни, биз адолатли ва фаровон жамият қурмоқчи эканмиз, Конституция ва унинг асосида яратилган қонунларни чуқур ўрганиш ва уларга риоя қилиб яшаш қундалик ҳаёт тарзимиизга айланиши шартдир.

Азиз юртдошлар!
Хаммамизга маълумки, биз бундан роппа-роса бир йил муқаддам мана шу залда 2002 йилни мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилган эдик.

Бизнинг бу йилга шундай ном беришдан асосий мақсадимиз – халқимизнинг азалий удулларига риоя қилиб, эл-юртимизнинг фаровонлигини оширишга қаратилган ўзига хос сиёсатининг илҳомидан дам олиниши, уни янада кўпроқ амалий ишлар билан мустақамлашдан иборат эканини, ўйлабманки, жамоатчилигимиз яхши бўлади.

Соғда қилаётган айтадиган, биз олиб бораётган давлат сиёсати, биз қураётган давлат тизими, барпо этаётган янги жамият, ҳаётимизда қарор топаётган эзгу қадриятлар замирида, аввало, Ўзбекистоннинг буюк келажагини ўйлаб, йиллар давомида шу олижаноб ишга ўз хиссасини қўшган, ана шу пойдеворнинг тамал тошини қўйган инсонларни улуғлаш, уларни рози қилишдек олижаноб мақсад мўжассам.

Шу маънода, кейинги йилларда эълон қилинган Инсон манфаатлари ёки Оила йиллиги олашимиз, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар йили ёки мана шу Қарияларни қадрлаш йилини олашимиз – буларнинг барчаси бир-бири билан мантқиқий асосда, ўзаро узвий боғланганини кўраемиз.

Давлат ва жамият эътиборини ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим йўналишларига қаратиб, одамларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган дастурларни бажариш учун керакли мажбурият ва маблағ топиб қилган ишларимизнинг амалий таъсири ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бутун самара бераётганига ҳаммамиз – оддий фуқародан тортиб юқори мансаб лавозимларида ўтирган инсонларгача гувоҳ бўлмоқдамиз.

Агар биз ўтиб бораётган 2002 йилга худди шу кўз билан қараб, унинг амалий натижаларини таҳлил этадиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, Қарияларни қадрлаш йили бўйича қабул қилган дастурийлик нафақат муҳтарам фахрийларимиз, кексаклиб қолган ота-оналаримиз, балки бутун жамиятимиз ҳаётида катта из қолдирганига ишонч ҳосил қилаемиз.

Мен бугун бу тўғрида батафсил ҳисобот беришим мақсад қилиб қўйганим йўқ. Чунки, дастур ижроси юзасидан мутасадди ташкилотлар вакиллари матбуот, радио-телевидение орқали, маҳалла ва фуқаролар йиғинларида ўз ҳисоботини беради, албатта.

Мен фақат бу борадаги айрим иш-солларни келтириб ўтмоқчиман.

Қарияларимизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида, аввало, жорий йилда пенсия ҳажминини аниқлаш ва ҳисоблашга адолатли қараб, пенсия миқдорининг 1,3 марта қўлай-тирилгани, кексаларимизга қўшимча имтиёزلар бериш учун биргина Пенсия жамағармаси томонидан 39 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилгани ҳам бу борадаги ишларнинг қўлими нечоғли катта бўлганини кўрсатиб турибди.

Ёки қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, уларга тиббий, санаторий-курорт, коммунал-мушый ва транспорт хизматлари кўрсатишни яхшилаш бўйича...

(Давоми. Боши 1-бетда).

ча бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилганини ҳам эсламасдан ўтормаймиз.

Шу ўринда икки миллионга яқин қария диспансер назорати ва тиббий қўриқдан ўтказилгани, 30 миңдан зиёд отахон ва онахонларимиз санаторийларда ва тиббиёт масканларида бепул доволанганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу ҳақда гапирганда, "Ортопедик реабилитация" илмий ишлаб чиқариш корхонасининг барча вилоятларда филиаллари ташкил этилиб, ёрдамга мўҳтож ва ногирон кексаларни махсус аравачалар, эшитиш мосламалари ва бошқа зарур воситалар билан тазминлаш ишлари илҳомидан дам олиниши шартдир.

Ёки бўлмаса, шу йил Қорақалпоғистон Республикасида "Тахирот" санаторий-профилакторийи, Наманган вилоятида уруш ва меҳнат фахрийларига мўлжалланган "Қосонсой" сикатгоҳи, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида "Саховат ўйи" барпо этилганини айтиш ўринлидир.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ногирон ва қаровчисиз кексаларга 1 миллиард 340 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани, бу эса режадагидан уч баробар кўп экани ҳам албатта амалга оширилган ишлар салмоғидан далолат беради.

Бундан ташқари, 900 нафар ёлғиз отахон ва онахонларнинг уйлари давлат ҳисобидан тазмирлаб берилгани, 11 миңг 700 нафар ёлғиз кексага давлат дастурида кўзда тутилган имтиёз ёрдам амалга оширилгани, уларга 3 миңдан зиёд ҳамшира хизмат кўрсатаётгани, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари эса 3 миңг 700 кексани ўз оталигига олиб, уларга мунтазам ёрдам кўрсатиб келаётгани айниқса эътиборлидир.

Албатта, масаланинг маънавий томони, яъни оилада, маҳаллада, жамоат жойларида, тўй ва маъракаларда кексаларимизга бўлган ҳурмат-эътибор янада ортгани, улар доимо кўпчиликнинг эъзосида бўлиб келаётгани ҳақида ортиқча тўхталишга зарурат бўлмаса керак.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мана шу эзгу ишларга ҳисса қўшган соҳаватли инсонларга, турли хайрия ташкилотлари вакилларига ўз миннатдорчилигини изхор этиб, илоҳим, қилган хайрли ишларининг савобини узининг ҳам кўринг, бошининг омон бўлсин, ҳеч қачон кам бўлманг, деб тилак билдирсак, адолатли бўлади, деб ўйлайман.

Нега деганда, уларни ҳеч қим бунга мажбур қилгани йўқ. Жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган мана шундай ижобий ўзгаришлар, одамларимиз ўртасида меҳр-оқибат, шафқат туйғулари тобора мустақамлашиб бораётгани шахсан мени беҳад қувонтиради.

Албатта, мўътабар қарияларимизга бўлган эътибор, бу йўналишдаги ишлар фақат шу йил билан чекланмайди, балки янги босқичда, янги ҳақда илҳомидан дам олиниши шарт.

Чунки бизларни дунёга келтириб, воғла етказган, ўзининг меҳнати билан бугунги ҳаётга катта ҳисса қўшган кекса авлод олдида барчамиз ҳамма ҳарқдоримиз. Уларни эъзозлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Хурматли дўстлар!
Барча қувонч ва ташвишлар, муаммоларга қарамасдан, ҳаёт давом этаверади.

Мана, ҳадемай, Янги йил ҳам қириб келади. Янги йилнинг кўнгли инсонларни улуғлаш, уларни рози қилишдек олижаноб мақсадга қаратилган. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури нафақат фахрийлар, мўътабар кексаларимиз, балки бутун жамиятимиз ҳаётида катта из қолдирганини алоҳида таъкидлаш лозим.

(Давоми. Боши 1-бетда).

дан меҳр-муруватини ҳеч қачон дариг тутмайди.

Янги йилга ана шундай орзулар билан қараётган халқимизнинг фикрини, кайфиятини инобатга олиб, бу йилнингиз ҳам ҳар томонлама ҳосиятли, файзу баракали бўлишини таянқ қилар эканмиз, меннинг бир тақлимим бор: қириб келаётган 2003 йилни "Обод маҳалла йили" деб эълон қилсак.

Қарли ватандошлар!
Бу масалага кенгроқ қарайдиган бўлсак, янги йилга бундай ном беришимизнинг боиси нимада, деган табиий савол тўғрисида.

Авалло, шунга айтиш керакки, "обод" деган сўз, "обод маҳалла" деган ибора замирида теран маъно бор.

Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат қўрқам ва чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, кўт-баракат ҳукмирон бўлган жойларни тасаввур қилади.

Шу нукта назардан қараганда, маҳалладек ноёб тизим ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқ, деб ўйлайман.

Нега деганда, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қуватириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустақамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, ахамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Шу босис, маҳалланинг ҳаётимиздаги маънавий юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мўжассам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қўйи бошқариш тизими сифатида нечоғли қучайтурсак, бунинг учун барча моддий-молиявий шартлошни ташкил қилиб берсак, ўйлайманки, бу эълонимиз қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади.

Барчангиз яхши биласиз, "Отанг – маҳалла, онанг – маҳалла" деган ҳикматда жуда катта маъно бор.

Агар биз бу иборанинг ҳақиқий маъносини сўзга эмас, амалда намоеён этмоқчи бўлсак, шу маҳаллада яшайдиган қим бўлмасин – бева-бечора ёки ногирон бўладими, омади қолмасан бирон-бир оила бўладими, ёлғиз қолган қария бўладими – буларнинг барчасига нафақат моддий ёрдам беришимиз, аввало, меҳр-эътибор қаратишимиз зарур.

Шу борада, ҳеч шубҳасиз, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмак-мадада мўҳтож бўлган инсонларни ёлғиз қолдирмасдан, уларнинг бошини силаб, бу одамларни ҳимоялаш учун, керак бўлса, давлат идоралари, мансабдорларнинг тинчини бузиб, тегишли ёрдам ва маблағни ундириб олиб, бугун қилаётган ишларининг самарасини янада қучайтурса, яъни маҳалла тома маънода ота-оналик вазифини ўтайдиган даражага етиб бора, биз кўп нарсага эришган, аҳолиимизнинг розилигини олган бўламиз.

Лекин барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, бу масалада ҳамма нарса фақат бугунги маҳалла тизими, яъни феодаллар ва ташкилотчиларга болғик эмас.

Бунинг учун аввало давлат қўмагини янада қучайтириш, маҳаллага тегишли ҳуқуқий ваколатлар бериш, унинг низомини қайтадан қўриб чиқиш, имкониятларини кенгайтириш, биринчи галда, маҳалланинг моддий негизини мустақамлаш ҳақида ҳаммамиз бош қўришимиз, қаттиқ илашшимиз керак.

Шу маънода, маҳалланинг туман ва шаҳар ҳокимликлари, маъмурий ва ҳуқуқий ҳимоя қиладиган ташкилотлар билан, керак бўлса, ижтимоий, нодавлат, сиёсий ташкилотлар билан алоқа-

ларини расмий, яъни ҳуқуқий асосда йўлга қўйиш, бу борада ечилмаган барча муаммоларни қонуний тарзда ҳал этиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди, десак, хато бўлмайди.

Нега деганда, бу масалалар ечилмас экан, маҳалладан кўп нарса ни талаб қилиш ўринсиз бўлади.

Шунга оқиб айтиш керакки, ҳақиқатан ҳам бугун биз маҳалла зиммасига кўп вазиफलарни юклаймиз.

Шунинг учун ҳам бугун қайси масалаларда ҳокимият, қайси масалаларда маҳалла масъул эканини қонуний нукта назардан аниқ белгилаб қўйиш вақти келди, деб ўйлайман.

Обод маҳалла йили бўйича ҳам махсус давлат дастурини қабул қилиб, уни амалга ошириш юзасидан ҳуқуқимизга тегишли топшириқлар берилади, албатта.

Маҳалла ҳақида сўз юритганда, яна бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Бизнинг ҳаётимизни тебратадиган шундай бир соҳа борки, уни ҳеч қандай қонун ёки расмий ҳужжат билан чегаралаб, белгилаб бўлмайди.

Бу соҳа бевосита одамларнинг маънавияти, руҳий дунёси, мафкуравий онги, тафаккури билан боғлиқдир. Шу жумладан, бир жойда яшашган одамларнинг ўзаро алоқалари, оила муносабатлари дейсизми, қўни-қўшничилик дейсизми, қўна-андишлик дейсизми – буларнинг барчаси қўйи ўзига хос, сирли бир олам.

Бундай муносабатларни фақатгина расмий йўл билан, қонун ва фармонлар билан белгилаб бериб бўлмайди. Ва бунга интилиш ҳам қалтабинлик, деб ҳисоблайман.

Бу ҳақда кўп гапирish мумкин. Шунинг учун ҳам Шарқ оламида, ислом фалсафасида одамларнинг маҳалла, яъни жамоа бўлиб яшашда, жамият ҳаётида тинчлик ва осойишталикни сақлаш меҳр-оқибатлик, шафқат ва муруват нақадар катта ўрин тутганини англаш мумкин.

Шу сабабли, маҳалланинг ахамияти ва ўрни ҳақида гапирганда, инсоннинг, оиланинг маънавий олами, ундан ҳабардор бўлиш, уни англаш, бу руҳий дунёга қўполик билан аралашмасдан, унинг ижобий асосда шаклланишига нозиклик билан таъсир ўтказишда, ўйлабманки, маҳаллада идоратга тенг келадиган бошқа бирон-бир восита йўқ.

Азиз юртдошлар!
Шу фурсатдан фойдаланиб, халқимизга хос бўлган, ҳаётимизда катта ўрин тутадиган ва унга таъсир ўтказадиган қадриятлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Қадрият деганда, биз миңг йиллар давомида шаклланган, одамларнинг ҳаёти, ички дунёсидан мустақам ўрин олган, ҳеч қайси расмий ҳужжатда акс этмаган бўлса-да, унга барча амал қиладиган, инсонларнинг қон-қонига сингиб кетган анъана ва удулларни тушунамиз.

Лунда қилиб айтадиган, одамзод бор экан, миллат бор экан, шу миллатни ифода қиладиган, асрлар мобайнида қандайдир муқаддас даражага кўтарилиб қолган аломат-хусусиятлар ҳам у билан бирга яшайди.

Табиийки, ота-боболаримиз бизга қолдирган олижаноб қадриятларни, гуруримизни кўтарадиган, халқимизнинг обрўсига обрў қўшадиган инсоний одат ва фазилатларини сақлаш, асраб-авайлаш ва энг катта бойлик тарихида янги келажақ авлодларга етказиш зарур. Бу масала бўйича ҳеч қандай ҳам мумкин эмас.

Кейинги йилларда қадриятларни тиклаш ва улуғлаш, буюк авлиё ва мутафаккирларимизнинг хоки ётган қадим-қадимлар олод қилиш, аждодларимиз меросини ўрганиш борасида кўп-кўп ишлар қилинаётгани ҳақида ҳам узок гапириб ўтиришга ҳоҷат йўқ.

Чунки, бусиз биз буюк келажагимиз-

ни тасаввур этолмаймиз: миллатимизнинг томири, тарихи қанча чуқур бўлса, келажаги ҳам шунча буюк бўлади, деб тушунамиз.

Аммо ҳаётда шундай одат ва эскидан қолган удуллар борки, уларни миллатимиз ва халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар қаторига киритиш қийин.

Гап нима тўғрисида кетаяпти?

Гап аввало миллий қадриятларимизни сохташтиришга олиб келаётган, урф-одатларимиз никоби остида тўй-ҳашам ва маърака-маросимларимизни катта дабдаларга, баъзи жамширларга айлантириб, ҳаётимизга қучайиб қириб бораётган ўта хуноқ ҳаракатлар ҳақида кетаяпти.

Бунинг негизда баъзи бир одамларимизга мансуб бўлган шўхратлараст, дабдалабозлик, ўзини кўз-кўз қилиш, очик айтиш керак, аввало бели орғимасдан, нопоқ йўллар билан топган пули ва бойлигини терисига сигдира олмаслик каби иллатлар ва эски асратлар борлигини қириш мумкин.

Қанчалик аччиқ бўлмасин, бугун бу тўғрида гапирмасдан бўлмайди.

Ҳеч шубҳасиз, бундай дабдаларни ташкил қилишга бош-қош бўладиган, янги-янги маросимларни ўйлаб чиқарадиган ва шунинг ҳисобидан ўзини манфаатини, керак бўлса, қандайдир сохта обрў топадиган, шу ишни ота касби қилиб олган маълум бир кимсалар борлигини ҳам очик айтишимиз зарур.

Албатта, бу ҳақида биринчи марта сўз юритганимиз йўқ. Бу хусусда жамоатчиликнинг, матбуот, радио ва телевидение, хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, жойлардаги қўни қўшничи оқсоқолларимиз кўйиниб гапирди.

Одам шундан ҳайратда қоладики, бундай ҳеч қанча сиймайдиган ортиқча маросимлар ҳар бир оила, ота-онанинг елкасига оғир юк бўлиб тушаётганини ҳамма билади.

Чунки бундан асосан кўп болали оилалар азият чекади, қийналади, шунинг оқибатида қардор ҳам бўлиб қолиб, қарзини узиш учун бошини кўтармасдан меҳнат қилади.

Менинг бир эски танишим бор.

Баъзан қуришиб, телефонлашиб турарми, шу бечора тўрт-бешта боласининг тўй ташвишларидан қутулмай туриб, хали нафасини ростлаб олишга улгурмасидан, яна тўйга навбат келиб қолибди. Нима эмиш, энди невараларга бешик тўйи қилиб бериши керак эмиш.

Бу ҳақида одамлар билан сўхбатлашсангиз, улар, энди, ўзбекилик, ор-но-му, деган гаплар бор, дейди. Бошқа айтидиган, шавла кетса, кетсин, қўй кетмасин, деб иш тутайди.

Бизнинг халқимизда "қўпчилик қаторида" деган бир гап бор.

"Қўпчилик қаторида" деган иборани биз, аввало, атрофдаги жамоа, маҳалла-кўй билан бирга ҳамоҳанг бўлиб яшаш, уларнинг қаторидан чиқмаслик ва кўпгина ҳолатларда ор-но-му деган тушунча билан чамбарчас боғлиқ кетган қарашлар, деб қабул қилишимиз тўғри бўлади.

Ўйлабманки, бу жуда олижаноб тушунча.

Нега деганда, асрлар давомида шаклланган мана шундай қарашлар бошига мусибат, ҳаёт синовлари тушган одамларни ёлғиз қолдирмасликни, уларнинг дардига ҳамдард бўлиш, ғам-ташвишларини баҳам қўриш, ёвуз қуларга, бало-қазоларга қарши бир ёқадан бош чиқариб қурашини англалади.

Шу маънода, бу тушунчани ёшларимизга, униб-ўсиб келаётган болаларимизнинг қалби ва онига синдириш, халқимизнинг ҳамжихатлигини ифода этадиган ҳаракатга айлантириш эл-юртимизга фақатгина қуч-қувват бағишлайди.

Лекин, бундай олижаноб тушунчани аксига айлантириб, ҳар қандай соғлом фикрга зид бўлган сохта

урф-одатларга берилиб, ўзининг табиати ва солоҳиятига, даромадига тўғри келмайдиган, балки унга катта зарар етказадиган тўй ва маросимларни ўтказадиган одамларни тушуниш қийин.

Очик айтишим керак, биз дўппимизни олиб қўйиб, чуқур ўйлаб кўрсак, тарихимизни эсласак, ҳақиқий қадриятларимизнинг мағзини чаксак, бу ортиқча даҳмазалар одамларимиз елкасига машаққатли бир юк, аниқроқ айтганда, доимий оғир мажбурият бўлиб тушаётгани аён бўлади.

Агар биз тўйга кетадиган маблағнинг бир қисминини ёшларнинг ҳақиқий эҳтиёжига, оила юмушларини енгиллаштиришга, эртага туғиладиган гўдакларни соғлом қилиб ўстириш, болаларимизга чуқур билим бериш, бир сўз билан айтганда, замонавий ҳаёт ва турмуш тарзига жавоб берадиган тақдирларга сарф қилсак, бу энг оқилона ва савоб иш бўлади эди.

Диний маросим ва маъракалар ҳақида тўхталадиган бўлсак, мен бу тўғрида фикр-кесил бир хулоса билдириш қуриқдан узокман.

Бу хусусда аввало имом-хатиблар, уламоларимиз, диний идора ўз фикрини билдириши, кенг тарғибот ишларини олиб бориши керак.

Албатта, улар бу борада анча-мунча ҳаракат қилапти, аммо бу ишларни янада қучайтириш лозим.

Мен фақат маъракаи дабдалаби тўйга айлантириш ҳеч қайси муқаддас китобда ёзилмагани ва бизнинг ислом динимиз арқонларига мутлақо зид эканини эслатиб ўтмоқчиман, ҳоло.

Азиз дўстлар, ёлғизлик бўлса, биз бундан уч-тўрт йил аввал бу борада махсус бир қарор ҳам қабул қилган эдик.

Унда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўйиш, атрофда яшашган одамларнинг қон-аҳолини инобатга олмаслик каби иллатларга йўл қўйлаётгани айтилган, бу масала бўйича аниқ чора-тадбирлар ҳам белгиланган эди.

Бу қарор эълон қилинган, жойларда тўй-маъракаларни ўтказиш ишлари буюртма тартибга тушгандек бўлди. Бирок, афсуски, кейинчалик бу иш яна эътибордан четда қолиб кетди.

Менинг тақлимим шуки, бу масалани авваломилар маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари турар-жойларда чуқур ўрганиб чиқиб, ўз тақлим ва тавсияларини бериши лозим.

Биз ана шу тақлим ва тавсияларга таянган ҳолда, керак бўлса, янги қарор қабул қилишимиз, унда бу масала бўйича кўпроқ амалий ва таъсирчан чораларни қўриш ва бундай тадбирларни жамоатчилигимиз қучи-га суняиб, қандайдир чегарага солиш мақсадида иш олиб бурсак, айна мудоаб бўлади, деб ўйлайман.

Мен ишонаман – халқимизнинг соғлом тафаккури, асрий тажрибаси, қўни қўшничи оқсоқол, ота-оналар, опа-сингилларимизнинг, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчиликнинг қатъий қарори билан бу муаммони оқилона ҳал қилишга бизнинг қучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етмайди.

Хурматли дўстлар!
Фурсатдан фойдаланиб, сиз азаларни Конституцияимизнинг 10 йиллиги байрами билан яна бир бор қутлайман.

Шу билан бирга, сизларни, сизлар орқали барча юртдошларимизни бутун дунё мўйин-мусулмонлари қаторида бизнинг халқимиз ҳам катта қувонч билан қутиб олаётган табарук Рамазон ҳайити билан чин қалбидадан муборакбод этаман.

Барчангизга сикхат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, файзу баракат тилайман.

Конституцияимизнинг 10 йиллигига бағишланди

Ҳа, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва барча жабҳаларда амалга оширилган ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишларини ва буюк келажақимизнинг ҳуқуқий қаролига бўлиб хизмат қилаётган Конституцияимиз қабул қилинганига ўн йил бўлди.

Шу муносабат билан 5 декабрь кўни пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдурахмонов очди. Ўзбекистон

БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗГА ИШОНЧ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистонимизда 31 август оқшоми ва 1 сентябрь тонги мамлакат тарихига абадул-абад барқарорлик ва келажакка ишонч даврининг дебочаси сифатида кирди. Давлат мустақиллиги эълон қилинган ўша онларда ҳали кўпчилик бу заминда қандай воқеа рўй берганлигини тўла ва мукамал идрок этмас, аммо қалблар қувонч, ғурур ва фахрга лиммо-лим эди.

Табиийки, Мустақил юрт илк дақиқалардан бошлабқ ўзига хос, мутлақо янги асослардаги қонунларга эҳтиёж сезди. Бугунги даражамиздан туриб мустақилликнинг дастлабки йилларида қонун яратувчилик ва қонуншунослик соҳаларида қўйилган қадамларни эсласак, юртобимиз қанчалик олисини кўра билганликларни кишини лол қолдиради. Зеро, гоят қисқа фурсат — орадан бир йил ўтиб, Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси 1992 йил 8 декабрда Президент раҳбарлигидаги махсус комиссия ишлаб чиққан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилди. Бу сана ҳам энг қутлуғ умумхалқ байрами кунига айланди.

Мустақил мамлакатимизда демократик ўзгаришлар, жамиятни тубдан янгилаш, иқтисодий ислохотлар палласи қонунлари ана шу Асосий Қонунимиз асосида яратила бошланди. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Ижара тўғрисида» — дастлабки бу Қонунлар мамлакатимиз турли мулкчилик, эркин рақобат, шахсий ташаббус ва хусусий тадбиркорлик йўлига қатъият билан ўтганлигини кўрсатарди.

Мустақиллик йилларида қабул қилинган кодекс ва қонунлар оилада, маҳаллада, меҳнат жамоасида, бутун жамиятда юриш-туриш ва яшаш тамойилларини белгилаб бермоқда. Давлат ва жамоат идоралари фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириб, бу риосаларни онг ва шуурга мукамал синдиришга ҳаракат қилаяпти. Муаммо айланиб-майна шу мукамалликка тақалади. Биз қонун-қоидаларни қанчалик мукамал билсак, улар биз учун яратилганлиги ва бизга хизмат қилишини тобора чуқур идрок эта бошлаймиз. Ҳозирда уларга амал


қилиш эҳтиёжини ҳис қиламиз. Ватан олдидаги фарзандлик бурчини англаш ва унга фарзандлик садқотини намойён этиш шу эҳтиёждан келиб чиқади. Лекин жамият олдидаги бурч алоҳида. Шу Ватан истиқболи учун жонини тика олган, ҳаётини шу азиз диёр истиқболига бағишлаган фуқаро — давлат эгаси, барқамол ва барҳаёт инсондир.

Бугунги қонунчилигимиз асосларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун кўп ҳаракат қилиняпти. Асли бу жараён Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мобайнидаёқ қизғин ва изчил тус олганди. Меҳнат, Оила, Ер тўғрисидаги ва бошқа кодекслар, барча қонунлар шу жиҳатдан қайта-қайта муҳокамадан ўтказилиб, таниқли экспертлар назари билан «элак-элак» қилинган, қабулланиб, қучга киртилган.

Ҳа, ўз эркини қўлга олган юртимизнинг ўз яшаш ва яратиш қонун-қоидалари тобора мукамаллашиб борапти. Мустақилликнинг ҳар бир йили бу соҳада ҳам ўзига хос бир боқичга айланмоқда. Биз ҳаётимизнинг барча жаҳалари, фаолиятимизнинг ҳамма йўналишларини тартибга солувчи қонунларни яратмоқдамиз. Уларга риоя қилиш, ўз қонунларимиз талабларини бажариш мустақил диверимиз фарзандларининг виждон ишидир. Бу йўлда «собитлиқ Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий таракқиётида муҳим ўрин тутди. Зеро, қонунлар улар бажарилиши, уларга амал қилиниши билан қучли ва муқаддасдир.

Қонунлар амалда «ишласа», ҳаёт нурли, меҳнат унумли, Ватан сарҳадлари тинч ва осойишта бўлади. Ҳар бир фуқаро — у ҳоҳ вазир, ҳоҳ оддий хизматчи, ҳоҳ мулкдор, ҳоҳ кекса ёки ёш бўлсин, буни чуқур англаб етса, ўз ҳаёт андозасини шунга яраша белгилай олса, демакки, Ўзбекистон эзгу мақсад — тинч, тенг, фаровон ҳаёт йўлидан дадил бораверади.

Жўрабек МУРОДОВ.



ФАРЗАНДАРИМИЗНИНГ БИЛИМ ОЛИШИ КАФОЛАТЛАНГАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

ва лицейларида 559 та махсус фанлар, 419 та умумий фанлар бўйича тўғараклар ишлаб турибди. 271 та спорт тўғаракларида эса, беш ярим мингга яқин йилгит-қиз селоматлигини мустаҳкамлаб, турли мусобақаларда муваффақиятли қатнашмоқда.


Астойдил меҳнат, сидқидил интилишлар самараси албатта мевасини беради. Бу йил коллежларни аъло баҳоларга тугатган ёшлардан олтинчи нафарини Олий ўқув юртига ўқишга кирди. Қолганлари ўз соҳаси бўйича ишга жойланди.

— Конституцияимизнинг 10 йиллик байрами арафасида «Конституция — бахтимиз пойдевори» кўрик-танловини ўтказдик, — дейди Тош-

кент вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси маънавий ва маърифат бўлими бошлиғи Бўстон Тожиёв. — Унда Гулбахордаги саннат касб-хунар коллежи жамоаси биринчи ўринни олди. Янгибўлақлар энди республика кўрик-танловида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Дарове, қутлуғ байрамимиз олдида ҳамма жойда бўлгани каби вилоятимиз коллеж ҳамда лицейлари ўқувчилари ҳам ушатирилган ҳаширларда фаол иштирок этиб, ўз зие масканлари файзига файз қўшдилар. Байрам муносабати билан эса билим даргоҳларида дастурхон ёзилиб, устоз ҳамда шогирдларга ош берилмоқда, фахрий мўраббилар иззат-ҳурмати юйига қўйилмоқда.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.



ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАЙЗУ БАРАКАСИ

ҳимоя қилишни қучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш жараёнида мамлакатимизда 2,2 миллиондан зиёд оила турли йўналишлар бўйича ижтимоий ёрдам олмоқда. Инсонлар турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг тинч, тотув ва хотиржам яшашларини муҳофаза қилиш, айниқса, аҳолининг энг муҳтож қатламларини қучли ижтимоий ҳимоялаш орқали меҳр-муруват кўрсатиш давлат аҳамиятига молик вазифага айланди. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ётиб қолган беморлар ва аҳолининг муруватталаб бошқа қатламларига сўнгги беш йил ичида барча манбаларнинг маблағлари ҳисобидан

707 миллион сўм ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Айни пайтда кексалар билан маданий-маърифий ишлар олиб бориш, уларни соғломлаштириш кўламлири ҳам кенгайиб бораётир. Фақат шу йилнинг тўққиз ойи ичида фахрийлардан 3 мингга яқин киши «Нуроний» жамғармаси йўли билан Самарқанд, Бухоро, Туркистон ва бошқа шаҳарларнинг тарихий обидаларини бориб қурди.

Халқимизнинг азалий мақолида «Қариси бор уйнинг — париси бор» дейилади. Қайсики хондонда кексалар бўлса, шу хондонда файз-барока бор. Мамлакатимиз ҳам бамисоли улкан бир хондон. Давлат ва жамият қарияларга қадр-қиммат кўрсатиб, ўзи ҳам ривож топмоқда, улкан бу хондонимизнинг файзу барокаси ортиб бормоқда.

Ақром АЛИМОВ, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилоят кенгашининг аъзоси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Акциядорлик-тижорат

«ПАХТА БАНК» нинг



Тошкент вилоят бошқармаси ўз мижозлари ва барча

ватандошларимизни қутлуғ байрам —

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги билан қизғин қўтлайди.

Банкамиз Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшаётганлиги билан ғурурланамиз. Сизга бахт-саодат ва фаровонлик тилаймиз!

«Пахта Банк» — бу муваффақиятлар калитидир!



Ҳайитингиз муборак!

ШУНДАН БОШЛАБ АЙЁМ

Бугун барча мўмин-муслмонларнинг азалий ва абадий байрами — Рамазон Ҳайитининг биринчи кунини. Хур диёримиздаги барча тинчликсевар халқ ва элатларини ана шу улуг айём билан муборакбод этамиз.

Рамазон — покла-ниш ойдидир. Шунинг учун ҳам халқимиз қадимдан бу кунларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келган. Мазкур раҳмат ва мағфират ойда Ислому динининг аркону устунларидан бири — рўза ибодатини адо этиб, Рамазон Ҳайити кириб келишини ўзгача сурур ва завқ-шаўқ билан кутиб олишга одатланганмиз. Кўпни кўрган пири бадавлат кексаларимиз «Шу кунларга етказганига шукр» деб юзларига фотиҳа тортадилар.

Муҳтарам Юртбошимиз Ислам Каримов томонидан ҳар икки Ҳайитни дам олиш кунини белгиланиши ақсарият юрдошларимизнинг қувончларига сабаб бўлди.

Рўза киши жисмонан ва маънан соғлом, сабр-бардошли, мустаҳкам иродали бўлишини таъминловчи ўзи-

га хос ибодат арконларидан ҳисобланади. Унинг инсон саломатлигига фойдаси борлиги ҳақида тиббиёт мутахассислари ҳам ўз ихобий фикрларини билдиришган.

Рамазон оийи ҳақида Куръони Каримда: «Рамазон оийи — одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ақрим этувчи ҳужжатлардан бири» деган оят бор. Бу оятдан кўринадик, муслмонларнинг асосий ҳужжати, яъни китоби ҳисобланган Куръони Карим айнан шу Рамазон ойда нозил қилинган.

Рамазон ҳақида Муҳаммад Саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг кўплаб ҳадислари мавжуд, улардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

«Рамазон оийининг биринчи кечаси кирганда, шайтонлар ва ёмонлик қилувчи жинлар кишанланадилар. Дўзахнинг

барча эшиклари беркитилиб, унинг бирорта ҳам эшиги очик қолмайди. Шунингдек, жаннатнинг ҳамма эшиклари очилиб, унинг бирорта ҳам эшиги ёпилиб қолмайди. Унда бир жарчи: «Эй, яхшилик истовчи, яхшилик қилишга шовил, эй, ёмонлик истовчи, ёмонликдан ўзингни тий. Бу кунларда Аллоҳ дўзахдан кўпчилики озод қилади» — деб, нидо қилиб туради. Бу нидо ҳар кеча такрорланади».

Яна бир ҳадиси шарифда: «Аллоҳ таоло бу ойда рўза тутишни фарз, кечасида намоз ўқишни нафл қилган. У ойда кимки бирорта нафл амал қилса, бошқа ойда фарз амални адо этган билан тенг бўлади. Кимки бу ойда бирорта фарз амалини адо этса, бошқа ойда етмишта фарз амалини адо қилган билан тенг бўлади. У — сабр оийи. Сабрнинг оқибати эса жаннатдир. У — хайр-эхсон улашладиган оий. У ойда мўминнинг ризки зиёда бўлади. Кимки у ойда бирорта рўзадорга ифторлик қилиб берса, унинг гуноҳлари кечирилади ва дўзахдан озод

бўлади». Яна бошқа бир ҳадисда: «Рамазоннинг охири кечасида умматимнинг гуноҳлари кечирилади» — дейилган.

Ушбу ҳадисларнинг мазмунига кўра, Рамазон оийи гуноҳлар кечириладиган, яъни мағфират оийидир. Мантқан олиб қараганда, бу ойда турли сабаблар билан ораларида келишмовчилик юзага келган, ўзаро жанжаллашиб қолиб, аразлашиб юрган инсонлар бир-бирларининг хато ва камчиликларини кечириб юборишлари мақсада мувофиқдир.

Рамазон ойда Республикаимиз масжидларида Тарових намози ўқилиши, Хатми Куръон қилиниши Рамазон оийининг фазлига янада фазл қўшади. Айниқса, мустақилликка эришгач, кўпчилик юрдошларимиз Тарових намозини бемалол ўқиш имконига эга бўлдилар.

Жорий йилда Рамазон Ҳайити (Йид ал-Фитр) Ҳижрий камарий йил ҳисобига асосан 6 декабрь кунига тўғри келди.

Бугун республикамизнинг барча жоме масжид-



ларида Ҳайит намози ўқилади, намоздан сўнг муслмонлар бир-бирларини байрам билан табриклайдилар, масжидларда юртимиз тинчлиги, фаровонлигини, шунингдек, оилаларимизга қутбарока киришини Яратгандан сўраб дуолар қилинади.

Барча Ватандошларимизни муборак Рамазон Ҳайити билан яна бир бор самимий кутлаб, барча

оилаларга Аллоҳ таолодан фаровон Ҳайит, бахт-саодат, она-Ватанимизга қўйиладиган сермомки мато. 47. АҚШ президенти.

Зулхайдов СУЛТОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ходими.

ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШИДИ

Тошкент Давлат аграр университетда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишлаб талабалар ўртасида кураш бўйича республика турнири бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган мусобақа республика Кишлоқ ва сув ҳўжалиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган уч овоздан ошқ талаба етти вазн тоифасида баҳс юртиди.

Илк бор ўтказилаётган республика турнирининг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Махситов мазкур мусобақа халқимизнинг миллий қадрияти бўлган кураш янада ривожлантиришда, янги номларни, иқтидорли ёшларни кашф

қилишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Талабалар беллашуви-нинг мазкур олий таълим даргоҳида ўтказилиши бежиз эмас. Университет раҳбарияти талабалар ўртасида спортни оммавийлаштиришга катта эътибор бермоқда. Ёшларга етарли шaroит яратиш мақсадида янги стадион қурилди, спорт заллари, сув ҳавзаси қайта тазмирланди. Бу ерда таълим оладиган Давлат Чориев, Ҳамза Турсунов, Лазиз Қобилов каби полвонларнинг халқаро мусобақаларда ҳам муносиб қатнашаётгани ана шундай эътибор самарасидир.

Озод РАЖАБОВ, ЎЗА мухбири.



ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАДА ЮРТИМИЗ МАНЗАРАЛАРИ



Озарбайжон Республикаси пойтахти Бoku-да «Ойина-2002» бадиий фотосуратлар халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. АҚШ, Буюк Британия, Италия, Россия каби жаҳоннинг 25 мамлакатини фотосавирчилари асарлари намойиш қилинган кўргазмада мамлакатимиздан бухоролик истеъдодли сураткўш Шавкат Болтаев иштирок этди.

Фестивалда ҳамюртимизнинг 14 лавҳадан иборат «Кўча шаҳар чироғи» фотосуратлар туркуми намойиш қилинди. Қадимий ва тобора чирой очиб бораётган Бухоро замини ва унинг бунёдкор одамларининг бугунги ранг-баранг Ҳайити аса этган сурат-лавлар фестивал Ҳайити аса, санъатшунослар ва бошқа мутахассисларда катта қизиқиш уяғотди. Ш.Болтаев кўргазманинг рағбатлантирувчи муқофоти билан тақдирланди.

Илҳом САФАР, ЎЗА мухбири.

Алломалар Ҳайитидан

Саъдулла СИЁЕВ

КУТИДАГИ КАРОМАТ

Хожа Аҳмад Яссавий Ҳазратларининг шухрати оламни тутди. Ота юрти Туркистоннинг ўзида тўқсон мингдан зиёд муриди бор эди. Яссавия тариқатига иқтидо этувчилар сони эса, тобора ортиб боради. Хусусан, Султон ул-орифининг ҳикматлари халқ ичра машҳур ва манзур эди. «Девони ҳикмат»даги шеърларни етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма ёд биларди. Шайхул-машойих бу ҳикматларда тили бошқа, дили бошқа руҳонийларни аёвсиз қамчиларди. Бунга жавобан, баъзи бир дин пешволари Туркистон пиридан ўч олиш йўлини излай бошладилар. Бахона ҳам топилди.

Ҳазрати Султон ҳар жумъа намозидан сўнг жамоатга амри маъруф айтди, бундай мажлисларда муслима аёлларнинг ҳам иштирок этишига ижозат берарди. Зеро, Шайх илм оломоқ ҳар бир муслим ва муслима учун фарзидир, деб ҳисобларди. Пири комилнинг бу амали тухматчиларга кўл келди. Улар эл аро миш-миш тарқатдилар: «Нима дейсан, Шайх Яссавийнинг хос мажлисларида заифлар номоҳрам кимсаларнинг қабадида ўлтириб ваъз тинглармиш, аларнинг ёлчиқлари йўқ эрмиш, бошлари очик-чоқик эмиш. Бул амал шариятимизга ҳилофдир».

Туркистондаги ганимларнинг гийбатини Хуросондаги айрим дин пешволарига ҳам ёқиб тушди. Улар Шайхул-машойихни маломат қилишга ўтдилар.

Ҳазрати Султон тухматчиларга сабоқ бериб қўйишни истадилар. Бу кун жомеъ масжиди олдида халойиқни тўлаб мурожаат қилдилар:

— Балоғат ёшидан то шу кунга қадар ўнг қўли авратига тегмаган киши бўлса ўртага чиқсин!

Ҳеч ким қимир этмади. Шайх хитобини такрорладилар. Ниҳоят, Ҳазратнинг содик муридларидан Хожа Ато ўртага чиқди. Шайхул-машойихнинг қўлларига мўъжаз бир қўти бор эди. Ҳазрат қутини Хожа Атога бериб, тайинладилар:

— Бул омонатни Хуросонга элтинг. Бориб, аҳли сунна вал-жамоани йиғнаг. Аларнинг кўз ўнгида қутини очинг. Не каромат кўрсангиз, бизга келиб айтурсиз.

Хожа Ато қутини олиб Хуросонга жўнади. Дашту биёбонлардан ўтиб, ниҳоят манзилга етиб келди. Ҳар тарафга чопарлар юборилди. Туркистон авлиёсидан келган сирли қутини кўргани улкан майдонга гурас-гурас одамлар тўпланди. Уларнинг гурасида Хожа Аҳмад Яссавийни маломат қилган дин арбоблари ҳам бор эди.

Хожа Ато қутини очди. Қутининг ичида бир тутам пахта, пахтанинг устида эса, ёлғоқдек лағча чўг кип-қизариб турарди. Маломатчилар кўзларига ишонмай қутига қайта-қайта боқдилар. Чўг бозиллаб иссиқ таратар, оқ пахтанинг бирон ёри қуймаган эди: Одамлар Ҳайитдан ёқа ушлади. Яссавий тарафдорлари шукрона айтиб, пири комил кароматларига яна бир бор иймон келтирдилар. Авлиёни бадном қилмоқчи бўлган тухматчилар хатоларини англадилар. Тавба-тазарру қилиб, Султон ул-орифинга гойибона мурид бўлдилар.

«ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ» ҲАМИША СИЗ БИЛАН!

Сизнинг ҳақингиз билан бирга бўлайлик, азизлар!

Бўш ўқларингизда ШОҲНИ АЛДАГАН ЧЎПОН

ЭНИГА: 2. Шамол, ел. 4. Ошхонадаги шаҳар номи. 6. ...Симобнинг бирор металл билан қотишмаси. 7. Шекспирнинг қироли. 9. Андаза. 10. Рус императори Екатерина IIнинг ўғли. 13. Мусиқа нотаси. 14. Каддоннинг синоними. 15. Номус, шарм. 17. Ёғочи қаттиқ, доим яшил, тик ўсадиган жанубий дарахт. 19. Шимолий Америка хиндуларининг чайласи. 21. Араб алифбосидagi харф. 22. ...дан чиқсанг, чик, элдан чикма (мақол). 24. Баланд текислик. 25. Қимматбахо тошларнинг сотувчи киши. 26. Бедаво касаллик. 27. Б ўрттирилган ёлгон гап. 29. Йиртқич қуш. 30. Тошқумирдан ҳавосиз қиздириб олинган қора қуюқ модда. 32. Арабларнинг узун қўйлаққа ўхшаш миллий кийими. 34. Француз майда тангаси. 35. Марказий Анд тоғларидаги кўл. 37. Самолёт русуми. 38. Россия футбол жамоаси. 40. Тўғрамча гўшдан димлаб тайёрланган овқат. 42. Республикаимизда кенг тарқалган дарахт. 44. Нодонга улфат бўлган ... ютар (мақол): 45. Астар билан авра орасига қўйиладиган сермомки мато. 47. АҚШ президенти. БЎЙИГА: 1. Қуч, калория. 2. Олимни еслатувчи Горький вилоятидаги шаҳар. 3. Тикка, адл, тик. 4. Лаҳжалардан бири. 5. Япониянинг японча номи. 6. Мусиқа нотаси. 8. Т.Хейердалнинг чоғроқина кемаси. 9. Шорининг ҳамроҳи. 11. Украинадаги шаҳар. 12. Наполеон Бонапартни Муқаддас Елена оролига олиб келган инглиз кемаси. 13. Нашриётлардан бири. 16. Инкор қилиш (этиш). 17. Эрон шоҳини алдаган оддий чўпон. 18. Урта Шарқ классик адабиётида бирор шорининг шёарий тўплами. 19. Фотосуратга ранг берувчи махсус кимёвий эритма. 20. Сув тақсимловчи вазифасини бажарувчи киши. 21. Упка, суяк, бўғин тўқималарини емирадиган юқумли касаллик. 23. Қушнинг эркаги. 28. Яқин Шарқ мамлакатларида — Ҳожи дўппи. 29. Миқдор, санок, адад. 31. Хотин-қизларнинг кийим устидан бўйинга осилладиган безаги. 33. Ичига қийма гўшт солиб халимдан пиширилган таом. 35. Рус шохмотоқ чиси ва назариётчиси. 36. АҚШдаги штат. 39. Уй хайвони. 41. Овоз, товуш. 43. Идиш оғзининг айлана чети. 44. Фасл. 46. Ўғриллар ва севилганлар учун энг қулай пайт. Тузувчи: Тоҳир УМАРОВ.

Турфа олам КЎЁШ ТУТИЛМОҚДА

Жанубий яримшарда андан бундан қулайлаётган воқеа содир бўлди. Африканинг айрим мамлакатлари ва Австралия аҳолиси кўёш тутилишини кузатаётди.

Уттан қуни кўёш тутилишини эрта тонг Атлантика океанидан бошлаб, Жанубий Африка худудларига кузатиш мумкин эди. Олимпларнинг айтишича, ушбу мақола тайёрланган пайтда бу жараён Ҳинд океани орқали Австралияга етиб борган бўлади.

Бу сафар кўёш тутилиши у ой билан қарама-қарши қолганда рўй берди. Кўёш Ойдан бир неча баробар катта бўлса ҳам, Ердан жудаям узокда жойлашгани сабабли, ерликлар учун Кўёш ва Ой бир хил кўринади.

Кўёш Ой ортига ўтган палла Ернинг айрим қисмларига қоронғилик чўкиб, юлдузлар гайриоддий тусда чарақлайди. Бу нобъ ҳодисани қўриш кўпчиликлари ҳам насиб қилавермайдилар. Ақсарият африкаликлар учун юлдузларнинг бундай чарақлаши иқбол белгисидир.

2002 йилда кўёш беш марта тутилди. Бу галгиси энг сўнггисидир. Кўёш тутилиши пайтида об-ҳаво яхши бўлса, одамлар нафақат чарақлаётган юлдузларни, балки бошқа сайёраларни ҳам қўриши мумкин. Африкаликлар бирваракайига Марс, Венера ва Юпитерни кўра олади.

Мутахассислар, жараён давомида одамлар ташқарига, очик ҳавога камроқ чиқиб, муҳим ишларини қилмай тургани маъқул, демоқда. Маслаҳатларга зид ўлароқ, воқеага Африка қитъасида катта тайёргарлик кўрилди. Кўёш расми туширилган кийимлар ва махсус кўзойнақлар сотувга чиқарилди. Ҳафта бошида эса Африка жанубига кўёш тутилишини кузатиш учун минглаб сайёҳлар келди. Бундан қўйганин қашшоқликда кун кеираётган мамлакатлари озми-кўлими даромад олишни кўзламоқда.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА, ЎЗА.

Халқ табobati САБЗИ

Еввойи ва экиладиган сабзининг илдизлари ва уруғлари дори тарихида табобатда ишлатилади. Ўткир, сурункали гепатитлар, сарик касаллиги, шабқурлик маҳалида, зарда қайнаган, қабзият бўлган пайтлар, бавосилда, гастритлар, меъда яра касаллигида қирилган сабзи бузилади. Бадан териси ёрилганда ва ҳуснбузар тошганида сабзи сувини тухум сариги ёки асалга аралаштириб (1:1 нисбатда) сурилади.

Экма сабзи илдиз меваларидан гипо-ва авитаминозларда фойдаланилади, улар майин сурги тарзида таъсир кўрсатиб, углеводлар алмашинувини маромига келтиради. Жигар, буирак касалликлари, бавосилда қирма сабзи бузилади, сабзи сувидан эса, яра, жароҳатлар, совуқ олган жойлар, ангина ва стоматитларга даво қилишда фойдаланилади. Еввойи сабзи уруғидан олинандиган эфир мойи ҳар хил экстрактлар тайёрлаш учун ишлатилади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси Тошкент вилояти аҳолиси диққатига шунини маълум қиладики, Тошкент вилояти молия бошқармаси бошлиғи томонидан 2002 йил 26 ноябрда тасдиқланган ТВ-8-2002/2-сонли реестрга мувофиқ 2002 йилнинг 10 декабридан иситиш ва иссиқ сув таъминоти қўйидаги ойлик тарифлар белгиланади:

- марказий иситиш — уй-жой майдонининг 1 квадрат метри учун 53 сўм.
- иссиқ сув таъминоти — 1 киши учун 763,53 сўм.
- ҳисоблаш асбоблари бўлса — 1 куб метр учун 93,66 сўм.

БУ МОТОЦИКЛНИ БОШҚАРА ОЛАСИМИ?

Сизм дорилфунуни талабалари (Тайланд) энг кичкина мотоциклни ясадилар. Унинг узунлиги 43 сантиметр, баландлиги эса 18 см. бўлиб, соатига 15 км. тезликда юра олади. 130 килограмга бўлган юкни кўтарди. Ениги сифатида эса қанқунжот мойи ёки спирт кабиларни «истеъмол» қилади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси жамоалари «Наврў» халқаро жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Муҳаббат Шоқосуповага ақаси Шўратхўжа ШОҚОСУПОВнинг бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ Ташинтисия права

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.